



**TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB
MASALALARI, NAZARIYA VA
INNOVATSION TA'LIM
TEXNOLOGIYALARI**



**XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA**

MATERIALLARI TO'PLAMI

NUKUS – 2021

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI

AJINIYOZ NOMIDAGI
NUKUS DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI

„TURKIY FILOLOGIYANING DOLZARB MASALALARI,
NAZARIYA VA INNOVATSION TA‘LIM
TEXNOLOGIYALARI“
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY
KONFERENSIYA

MATERIALLARI TO‘PLAMI

HAMKORLAR:



Alisher Navoiy nomidagi O‘zbek tili va adabiyoti
universiteti hamda Davlat tilidoshlik instituti

UDK 811.512/821.0

Turkiy filologiyaning dolzarb masalalari, nazariya va innovatsion ta'lim texnologiyalari: xalqaro konferensiya to'plami (2021-yil 18-oktabr)/O'zR Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti. – Nukus, Nukus pedinstituti tipografiyasi, 2021.

To'plamdan o'zbek va turkiy tillarning nazariy masalalariga, shuningdek, o'zbek tilini o'qitishning dolzarb muammolariga bag'ishlangan maqolalar o'rin olgan. Undan mazkur sohalarida ilmiy tadqiqot olib borayotgan olimlar, tadqiqotchilar, magistrant va talabalar foydalanishi mumkin va til nazariyasi hamda o'qish-o'qitish ishlarida ilmiy- amaliy ahamiyat kasb etadi.

Mas'ul muharrir:

Pedagogika fanlari nomzodi,
dotsent Sh.Buranova

Taqrizchilar:

Nukus DPI O'zbek tili kafedrası
dotsenti f.f.d. G.Kurboniyazov
QDU O'zbek tili va adabiyoti kafedrası
dotsenti f.f.n. I.Qurbonboyev

Ajiniyoz nomidagi Nukus DPI O'quv-uslubiy Kengashi tomonidan 2021-yil 8-noyabrdagi 2-sonli qarori bilan nashrga tavsiya qilingan.

© Ajiniyoz nomidagi Nukus davlat pedagogika instituti, 2021

Konferensiya nomi / Name of Congress



**TURKIY FILOLOGIYANING
DOLZARB MASALALARI,
NAZARIYA VA INNOVATSION
TA'LIM TEXNOLOGIYALARI**

**CURRENT ISSUES OF TURKISH
PHILOLOGY, THEORY AND
INNOVATIVE EDUCATIONAL
TECHNOLOGIES**

O'tkazish shakli / Type of format



Masofadan, Zoom
platformasi orqali

On-line Zoom
platform

Vaqt va o'ri / Date and Place



2021-yil 18-oktabr,
Nukus, O'zbekiston

October 18, 2021,
Nukus, Uzbekistan

Tashkilot / Organization



Nukus davlat
pedagogika
instituti

Nukus State
Pedagogical
Institute

Mas'ul muharrir / Responsible editor



Dotsent
Sh.M.Buranova

Associate Professor
Sh.M.Buranova

TAHRIRIYAT A'ZOLARI

Qodirov Quvondiq Aytbaevich	Nukus DPI Yoshlar bilan ishlash bo'yicha prorektori, filologiya fanlari nomzodi, dotsent
Buranova Shoxista Menglibaevna	O'zbek tili kafedrası mudiri, pedagogika fanlari nomzodi, dotsent
Yuldasheva Shaxlo Shukurlaevna	O'zbek tili kafedrası professori, pedagogika fanlari nomzodi
Matyakupov Sa'dulla Gaipovich	O'zbek adabiyoti kafedrası mudiri, filologiya fanlari nomzodi, dotsent
Kuttimuratova Iristi Abduraxmanovna	Qozoq tili va adabiyoti mudiri, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsenti
Xudayarova Muxabbat Tajimuratovna	O'zbek tili kafedrası dotsenti, filologiya fanlari nomzodi
Yusupova Gulora Ataxanovna	O'zbek tili kafedrası katta o'qituvchisi, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Shinnazarova Saodat	Qoraqalpoq tili kafedrası dotsenti, filologiya fanlari nomzodi
Sultanova Aydin Menlibaevna	O'zbek tili kafedrası katta o'qituvchisi, pedagogika fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Hamza Allamberegenov Kamalovich	O'zbek adabiyoti kafedrası katta o'qituvchisi, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)
Kutlimuratova Dilfuza Aldambergenovna	QR XTXQT va MO hududiy markazi, Aniq va tabiiy fanlar kafedrası o'qituvchisi

ЛИРИКАДА ДИАЛОГ ВАЗИФА ВА МАҚСАДГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЭСТЕТИК ВОСИТА СИФАТИДА

*Матякунов Саъдулла Гаипович ,
Нукус давлат педагогика институти
Ўзбек адабиёти кафедраси мудири,
филология фанлари номзоди, доцент.
E-mail: matyakurov77@mail.ru*

Аннотация. Мақолада лирикада диалог функционал моҳияти ва мақсадга йўналтирилганлик даражаси, мулоқотда муаллиф ҳамда қаҳрамон реакцияси, бадий нутқда модаллик ифодаси, муносабат оттенкаси ва баҳолаш мезони интеграцияси таҳлилга тортилади.

Калит сўзлар: диалог, вазифа, муносабат, бадий нутқ, мунозара, нисбат.

РОЛЬ ДИАЛОГА В ЛИРИКЕ КАК ФУНКЦИЯ И ЭСТЕТИЧЕСКОГО СРЕДСТВА ЦЕЛЕНАПРАВЛЕННОСТИ

Аннотация. В статье анализируются функциональный характер диалога в текстах песен и степень целенаправленности, реакция автора и главного героя в общении, выражение модальности в художественной речи, интеграция оттенков общения и критериев оценки.

Ключевые слова: диалог, задача, общение, художественная речь, дискуссия, соотношение.

THE ROLE OF DIALOGUE IN LYRICS AS AN AESTHETIC MEANS OF PURPOSEFULNESS

Annotation. The article analyzes the functional nature of dialogue in lyrics and the degree of purposefulness, the reaction of the author and the protagonist in communication, the expression of modality in artistic speech, the integration of attitudes shades and evaluation criteria.

Keywords: dialogue, task, attitude, artistic speech, discussion, ratio

Бадий асарда диалоглардан фойдаланиш вазифа ва мақсадга кўра ўзига хос ёндашувни тақозо этади. Бу борада турли хил тарзда намоён бўладиган усул лирикада муайян маънода тафовутланади. Шу маънода, диалог бадий нутқ шакли сифатида аввало шеърини идрок йўсинини белгилайдиган асосий эстетик восита, иккинчидан, ижтимоий коммуникация сатҳларини бирлаштирадиган тизим, учинчидан, ифода ва тасвирни мувофиқлаштирадиган семиотик марказ ҳисобланади. Бинобарин, «шеър – туйғу суврати. Унда эмоция, рамз, образ, бадий санъат бўлиши керак; шеърда шоир субъекти, индивидуал услуби, «мен»и, ўз овози акс этиши лозим» [Каримов, 2016: 86]. Бу ўринда бир неча жиҳат эътиборни тортади: биринчидан, шеърда шоир субъекти талаби унда рухий муносабат устуворлигини англатади, иккинчидан, ижодкор

концепциясини белгилаш образ яратишдаги ўзига хослик ва бадий маҳорат билан боғланади. Бу мураккаб боғланишдаги умумий моҳият эса таҳлил ҳамда тавсифни муҳим шарт қилиб қўяди, учинчидан, индивидуал услуб муаллиф ва қаҳрамон орасида мавжуд алоқани янгилаган ҳолда унда тасвир ва ифода бир-бирига ўтиб туради:

Мағлубнинг онаси... қанчалар маъюс!

Ёмғирдай жонтортар, тошдай жим, кабир.

– Она, менга бергил яна бир имкон?

– Болам, шу туришинг қаҳрамонликдир [Ш.Салом, 2020: 117].

Муаллиф диалог шаклидан халқимизда мавжуд ақидани янгилаш мақсадида фойдаланган: «– Она, менга бергил яна бир имкон? – Болам, шу туришинг қаҳрамонликдир!» каби сатрлардаги жонли мулоқот китобхон тасавурида жанг манзараларини гавдалантиради, бироқ шеърдаги манзарада ўзгача руҳий ҳолатни тақдим этган. Шоир «ҳаёт зиддиятлардан иборат» аксиомасига асосан лирик қаҳрамонни «дағал воқеликка» қарши қўяди. «Ёмғирдай жонтортар, тошдай жим, кабир» - дея, она фарзанд изтиробидан дард чекади. «Яна бир имкон» сатрлари эса кураш давомийлигига ишора этади. «Самовотда юлдузлар тугал», «Ой вазмин сузади тунни оралаб» ҳамда «Ҳаёт ғолибларни бўпти саралаб» - каби ёрқин чизгилар ғоя залворини анча оширади. Шунингдек, тафсилотга ортилган эстетик юк - «Она, етолмадим жўнаб кетди йўл» аслида саодат манзили олис, қийинчилигу машаққатларга туташлигини амалий жиҳатдан асослайди.

Шеърятда диалог, бир томондан, ижодкор мақсад-муддаосини тайин этадиган тизим шаклида намоён бўлса, иккинчи томондан, шоир бадий алоқа усулларини шакллантирадиган восита вазифасини ўтайди. Мазкур икки нутқни бир-биридан айирган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, лирика тасвир руҳияти талабларига таянади. Тасаввурда таҳлил ва идрок уйғунлиги масала моҳиятини очишга хизмат қилади.

Ўқитувчи эдинг, мен-чи, талаба,

бир кун сўраб қолдинг дарсда ногаҳон:

«Кимга қандай шакл ёқади? – дея –

Мен айтиб бераман, у қандай инсон» [Насрулло, 2018: 17].

Насрулло «Чалкаш чизиклар» деб номланган воқеабандлик асосига қурилган мазкур шеърида оддий тафсилотдан нозик фалсафий мушоҳада яратади. Унда матн мантиғи келтириб чиқарадиган ҳукм-хулоса қатъий: ишқни англаш ҳам англатиш ҳам имкониятдан ташқари ҳодиса! Ошиқнинг («умрига туташ») сезим салмоғи ҳеч бир ўлчамга тўғри келмайди, ҳеч бир таърифга сиғмайди, лирик қаҳрамон ҳис-туйғуларини чизикларда жонлантиришга интилади. Шоир тасвирида («Тўхтаб қолган энг сўнгги лаҳза») мулоқот тилдан кўзга кўчишига замин ҳозирлайди. Негаки, «Бадиий адабиётда персонаж руҳиятини очиб бериш, унинг онгида кечаётган ўйлов-мушоҳада жараёнларини тасвирлаш мақсадида «ички нутқдан» кенг фойдаланилади» [Қуронов, 2018: 250-251]. Шеърий асарни идрок этишда тушунча моддий кўриниш ҳосил қилади, бу ҳолат таҳлил ва талқин алоқадорлигига боғлиқлиги билан аҳамият касб этади. Зеро, поэтик дунёқараш диалоглашган онг қирраларини ўзаро жипслаштиради.

Маълумки, ботиний зиддият характер табиатини белгилайди, ўз навбатида маънавий-ахлоқий фазилат ва иллатлар бадиий чамбарчаслик қонуниятини муқаррар ҳодисага айлантиради. Аслида изчиллик ва яхлитлик бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар, унинг пойдеворини ички қарама-қаршилиқлар белгилайди. Ҳаёт ва ижод таомиллари алоқадорлиги айнан ижтимоий-фалсафий ҳамда маънавий қадриятлар мезони узлуксизлигига туташади.

– Тақдир, мени нега инсон яратдинг,

Кўксимда шодлигу ғамдан юз нишон.

– Мен сенга қалб ила шуур бахш этдим,

Билгин деб ҳирс нима, нимадир ҳайвон.

– Тақдир, нега мени меҳмон яратдинг,

Ярқ этган чақиндек кетгум бегумон.

– Мен сенга ўлчовли умр бахш этдим,

Билгин деб ишқ нима, нимадир инсон... [Ж. Камол, 2007: 151]

Жамол Камол қаламига мансуб ушбу сатрларда инсон тақдир билан мунозарага киришади. Одамзод қисмати азал-азалдан мураккаб кечган. Унда шодлик ва қайғу ёнма-ён юради. «Қалб ва шуур» Оллоҳ Таоло томонидан бандага бахш этилган олий неъматлар! Берилаётган саволлар қанчалик кескин бўлса, олинаётган жавоблар ҳам шунчалик залворли ва оғир. Қарама-қарши моҳият касб этадиган тушунчалар аслида тириклик мазмунини белгилаётир. Шеърда лирик қахрамон ҳаётий зиддиятлар тўғрисида ўйга толаркан, «нега мени меҳмон яратдинг» – дея мурожаат қилади. «Ўлчовли умр» - «ишқни англаш»дан иборат. Муаллиф диалог замирига риторик муносабатни усталик билан сингдиришга муваффақ бўлади.

Мулоқот жараёни ифода ва баён ўзаро мутаносиблашувига олиб келади. Унда бадий сўз қонунияти ҳамда ҳаётий мезонлар бирлашади. Зеро, айнан адабий композицияни юзага келтирувчи икки устун – услуб ва маъно тифизлиги ҳам муносабатли нутқдан вужудга келади. Кўринадики, шеъриятдаги диалогларда ўзаро алоқада нозик кузатиш ҳамда жонли мушоҳада имкониятлари ортиб, ихчам шакл ҳосил бўлади. Бу ҳолат биринчидан, руҳий кечинма теранлигини таъминласа, иккинчидан, тасвир ва ифода уйғунлигига замин ҳозирлайди.

Умуман, лирикада диалогдан фойдаланиш ижодкор мақсади ва тафаккурининг жипслашувига таянади. Шоир нутқ шаклини қўллаш ёрдамида тасаввур йиғиқлигини таъминлайди, шахс руҳияти таҳлилини теранлаштиради ва жараён имитациясини шакллантиради. Ҳолат драматизмининг устуворлиги шеъриятда монолог ва диалог қоришувини тақозо этади. Қолаверса, унда тасвир ҳамда ифода муттасил ўрин алмашинуви нутқий синтезни ёрдамчи эстетик воситага айлантиради.

Адабиётлар:

1. Жамол Камол. Менинг увоқ шеърларим-менинг дилпорам (туркум) // XX аср ўзбек шеърляти антологияси. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2007.
2. Каримов Б. Рухият алифбоси. –Т.: Адабиёт ва санъат, 2016.
3. Насрулло. Иккимиздан қолсин аланга. – Т.: Академнашр, 2018.
4. Шодмонқул Салом. Шеър сайёраси. – Т.: Адабиёт, 2020.
5. Куронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Т.: Навоий университети, 2018.

НУРБОЙ ЖАББОРОВ ТАДҚИҚОТЛАРИДА ФУРҚАТ ИЖОДИ

Каримов Обиджон Якубжанович

*Наманган давлат университети
Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти,
филология фанлари номзоди.*

Абдуллаев Комилжон Абдуганиевич

*Наманган давлат университети
Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти,
педагогика фанлари номзоди.*

Нишоновна Хуришда

*Адабиётшунослик мутахассислиги
1-босқич магистранти*

***Аннотация.** Мазкур мақолада адабиётимизнинг кўзга кўринган олими филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жабборовнинг ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилигида тутган ўрни ҳақида, асосан машҳур маърифатпарвар шоир Зокиржон Фурқат ижоди ҳақида фикр билдирилган.*

***Калит сўзлар:** адабиётшунос-олим, матншунос, доктор, профессор, журналист, монография, адабий танқид, Фурқат, образ, назм, наср, роман, қисса, мусаддас, адабий-бадиий тафаккур, Ўзбекистон Фанлар академияси, Қўлёмалар институти, фольклор.*

Нурбой Жабборов – ўта синчков адабиётшунос, қилни қирқ ёрадиган матншунос. Адабий манбаларни ўрганар экан, олим бошқа тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келган қонуниятларни аниқлайди. Фикрларини пухта асослайди. Фурқат асарларининг қўлёмаларини тадқиқ қилишга киришади.

Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи архивидаги Гулом Каримов фондида олимнинг ўз дастхати билан араб ёзувида кўчирган

MUNDARIJA:

TURKIY XALQLAR TILSHUNOSLIGI	
Қодиров Қ.А. Тилга хурмат – ёшлар тарбиясининг устувор йўналиши сифатида	6
Ибрагимов Ю.М. “Девону луғатит турк” туркий тилларни қиёсий ўрганишда тарихий восита	11
Huseynova Н. Modern Azərbaycan dili ve göytürk yazitlarında isimlerin durumları (çekimleri)	18
Аймұхамбет Ж., Дәуренбекова Л. Абай өлеңдерінің поэтологиялық тезаурусын түркі тілдеріне беру тәсілдері	22
Қурбаниязов Г. Мустақиллик йилларида ўзбек тили ижтимоий вазифаларининг таракқиёти	30
Худаярова М.Т. Тил лексик системасини этномаданий жиҳатдан ўрганишнинг аҳамияти	35
Ibragimova U.Y. O‘zbek tilida arabiy o‘zlashmalarining leksik-semantik o‘zgachalıkları xususida so‘z	38
Хамроева Ш.М. Лингвофольклористика ва компьютер лексикографиясида лингвистик таъминотнинг аҳамияти	46
Suyunov B.T. Tezaurus va unı turkiy tillarga tatbiq etish	50
Abduvaliyeva D.A. Qadimgi turkiy til manbalari mavzusini o‘qitishda interfaol usullardan foydalanish	55
Юсупова Б.Т. Қарақалпақ тилиндеги эмотивлик фразеологизмлердиң фоностилистикалық анализи	61
Жумаева Ф. Антоним семаларнинг лингвопоэтик имкониятлари	65
Мусаев А., Мухторова Г. Тоҳир Маликнинг “Чархпалак” асарида салбий маъно ифодаловчи сўзлар	69
Махмудова S.X., Fayzullayev M.B. “Ostona” lingvomadaniy birliklarining matn tahlilida voqelanishi	72
Юсупова Б.Т. Қарақалпақ тилиндеги сеслик үйлесимли фразеологизмлердиң көркемлик хызметлери	76
Тожиева Г.Н. Ўзбек тилида шахс маънавиятини ифодаловчи лексик воситаларнинг тарихий-этимологик хусусиятлари	81
Жумаев Т. Сингармонизм тарихий ўзак ясалишининг мезони сифатида	86
Юлдошева Н.Э. Психолингвистика ва миллий грамматика муносабати	92

Kuanishbaeva S.J. Ch.Aytmatovning “Bo‘tako‘z” asarida fe‘l zamonlarining qo‘llanilishi	293
TURKIY XALQLAR ADABIYOTSHUNOSLIGI	
Quramboyev K. Adabiy aloqalar – adabiy jarayon taraqqiyotining muhim omili	296
Agayeva F.A. Nizâmî Gencevî eserlerinde halk ve hükümdar sorunu	301
Axmedova Sh.N. Yozuvchi va adabiy jarayon	307
Каримов Б.Р. Алишер Навоий зуллисонайнлигини XXI асрда ривожлантириш имкониятлари	311
Гайлыева О.К. Ғарезсизлик дэўири түркий халықлар лирикасында төртлик көркем форма ҳәм олардың типологиясы	316
Нәсәfova K.N. Zülfiyyänin şeirləri azərbaycan dilində	320
Ташанов К.Ю. Бадиий таржима, матн ва мотив-мотивация муносабатлари	324
Матякупов С.Г. Лирикада диалог вазифа ва мақсадга йўналтирилган эстетик восита сифатида	331
Каримов О. Я., Абдуллаев К. А., Нишонова Х. Нурбой Жабборов тадқиқотларида Фурқат ижоди	335
Каримов О., Мамазиёева О. Метафора – шеърятда улугворлик касб этувчи восита (Абдулла Орипов шеърлари мисолида)	341
Кўбаев Қ. Ўтмиш сабоғи – келажак пойдевори	346
Матёқубова Т.Р. Самимий дўстликнинг шоирона тасвири	352
Қурбанбаев И. Дилрабо Мингбоева шеърятда сўз идрок сезгиси омили сифатида	358
Қурбанбаев И. Насрулло шеърятда адабий талқин ўзига хослиги	362
Каримова У.А. Tipik vaziyatlarning qiyosiy tahlili	366
Эшонқулова С.И. Шеърятда бадииятнинг турфа жиловлари	369
Умарова М.Ю. Бернард Шоу драмаларида ижтимоий ҳаёт тасвири	375
Алдашева Ш. XX асрнинг 70-90 йиллари ўзбек шеърятда шеърый туркумлар	381
Ҳамроева О.Ж. Навоийнинг мумтоз поэтикага оид қарашлари (“Мажолис ун-нафоис” асари асосида)	391
Ҳамраев К. XXI аср ўзбек ҳикоячилигининг янгилашиш тамойиллари	396
Тўлибоев Х.Б. Роман поэтикасида полифоник нутқ ифодаси	411
Алламбергенова Н.Г. Назира Матякубованинг образ яратиш маҳорати	417
Қораев Ш. Темурий ҳукмдор Султон Искандарнинг туркий адабий мажлислари ва Мавлоно Ҳайдар Туркигўй	421